

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**



“MA’MUN-UNIVERSITETI” NTM

**FAN, TA‘LIM, INNOVATSIYALAR: DOLZARB
MUAMMOLAR VA ZAMONAVIY YO‘NALISHLAR**

mavzusida Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi

2023 yil 12 aprel

XIVA – 2023

Fan, ta'lim, innovatsiyalar: dolzarb muammolar va zamonaviy yo'nalishlar.
Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. – Xiva, 2023. 404 b.

Tahririyat hay'ati: A.A.Xudayberganov, H.O.Matkarimov, U.Sh.Xadjiyev, D.M.Matkarimov, N.Sh.Xudaynazarov, S.B.Xodjayev, A.B.Sherov, U.M.Abdolov, Sh.E.Xudayberganov, S.M.Xudayberganov, F.A.Bekchanov

Taqrizchilar: i.f.d., prof. B.Ruzmetov, f.f.d., prof. O.O.Cho'ponov

Ma'sul muharrir: i.f.d., prof. B.Ruzmetov

Mamlakatimizda ta'lim va fanni rivojlantirish konsepsiyasining strategik maqsadi etib milliy iqtisodiyotni rivojlantirishning innovatsion va yuqori texnologik formatiga o'tish, mamlakatimizning raqobatdosh ustunliklarini ishga solish va to'g'ri safarbar etish, innovatsion mahsulotlar hajmini kengaytirish, jadal iqtisodiy o'sishni ta'minlaydigan yo'nalishlarga investitsiyalarni yo'naltirish, aholi turmush darajasini bir necha bor yaxshilash, ijtimoiy sohadagi dolzarb masalalarning innovatsion yondashuvga hamda ilmiy tadqiqotlar va erishilgan natijalarga asoslangan ilmiy yechimini topish, xalqaro miqyosda ilmiy hamkorlikni rivojlantirish, shuningdek «Ilm-fan va ilmiy faoliyat to'g'risida»gi, «Ta'lim to'g'risida»gi va «Innovatsion faoliyat to'g'risida»gi qonunlar ijrosini ta'minlash hisoblanadi.

Konferensiya materiallari Yangi O'zbekistonda xususiy oliy ta'limni rivojlantirish; axborot-psixologik xavfsizlikni ta'minlashning zamonaviy muammolari va yechimlari; filologik tadqiqotlarning dolzarb muammolari; O'zbekiston tarixi fanining dolzarb masalalari bilan bog'liq tadqiqotlarning natijasidir.

Ushbu konferensiya to'plami mazkur yo'nalishda ilmiy izlanishlar olib borayotgan professor-o'qituvchilar, ilmiy tadqiqotchilar, talaba va magistrantlar uchun foydali bo'ladi deb umid qilamiz.

Mazkur to'plamga kiritilgan materiallarning mazmuni, undagi statistik ma'lumotlar va me'yoriy hujjatlar sanasining to'g'riligiga hamda tanqidiy fikr-mulohazalarga mualliflarning o'zlari ma'suldirlar.

Konferensiya o'tkazilishi Xorazm viloyati hokimligi "Ma'naviyat va ma'rifat" Kengashining 2023 yil 7 apreldagi 209-sonli yig'ilish bayoni bilan ma'qullangan

© "Mamun-universiteti" NTM, 2023 y.

Ёзиш шакли сақлаб қолинган мазкур мактуб муаммони ҳал қилишга туртки берди. Хоразм округ Ижроия Қўмитасининг 1927 йил 25 октябридаги қарорига асосан аэростанция қурилиши учун шаҳар марказидан 3 км. четдан махсус майдон белгиланди ва 10 минг рубль маблаг ажратилди⁴⁶¹. Шу кунни Хоразмда аэропорт ташкил этилган кун деб ҳисоблашишади. 1929 йилда аэростанция Урганчга кўчирилди. Дастлаб аэропланларга ёқилги туяларда олиб келинган. Аэровокзал бир нечта ер тўлалардан иборат бўлган. 1932 йил 3 августда аэростанция негизида Урганч аэропорти ташкил этилди. 30-йиллар ўрталаридан бошлаб Урганч аэропорти мамлакатнинг марказий районлари билан самолётлар ёрдамида боғлана бошлади. Тез орада аэропорт воҳа транспорт турларининг энг тезкор ва самарадор тармоғига айланди.

Қимматли металллар, эҳтиёт қисмлари, матбуот нашрлари, тиббий ёрдам ва ҳоказоларни тезкорлик билан етказиб беришда авиациянинг роли бекиёс эди. Мамлакат ҳаво флоти ҳарбий, фуқаролар, кишлок хўжалиги, санитар каби турларига бўлинади. 1935 йилга келиб Ли-2 русмли самолётларида воҳанинг пахта тойлари ташилган. Самолёт ва вертолётларнинг беҳатар учишини аэродром, радиолокацион маёқлар, аэропортлар, диспетчер хизмати ходимлари, ердаги бошқа ёрдамчи кучлар таъминлаб туради.

1937 йили 2 та По-5 русмли самолётдан иборат санитар звеноси тузилади. Кейинчалик бу бутун Хоразм ва Қорақалпоғистонга хизмат қиладиган тез ёрдам станциясига айлантирилади. 1939 йилда Урганч аэровокзалининг янги биноси қурилган. Эрталаб биринчи рейс билан учиб келадиган ҳаво кемалари газета, журнал, почта, телеграмма, хушxabар тарқатувчи нашрларни олиб келадиган. Айниқса аҳоли пунктларидан узокда ишлайдиган геологлар, чорвадорлар авиация хизматидан кенг фойдаланишган. Қишлоқ хўжалик авиацияси эса, ерларни ўғитлантириш ва ҳашоратларга қарши кимёвий моддалар сепиш муаммоларини ҳал қилишда катта роль ўйнаган.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ АРАБЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ КИЙИМ-КЕЧАКЛАР, ҲАМДА ТАҚИНЧОҚЛАР ҲАҚИДА АЙРИМ НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Искандаров Ш.А. – ТТА доценти, PhD

Марказий Осиёда яшаб келаётган араб халқи ўзбек халқининг анъанавий миллий кийимлари моддий маданиятнинг муштарак бир қисмини ташкил этиб, араб халқининг миллий хусусиятлари, урф-одатлари ҳамда эстетик дидини намоён этган. Бошқа халқ кийимлари сингари арабларнинг анъанавий кийимлари узок тарихий жараёнлар давомида, ижтимоий-иқтисодий, маданий, диний, ривожланиш ҳамда урф-одат, маросим, анъаналар таъсирида даврлар ўтиши давомида ўзига хос локал хусусиятида шаклланиб, ривожланиб келган.

Маълумки, арабларнинг кийиниш маданият А.Мец, Э.Лэйн, Р.Г.Ланда, К.Д.Шруль, Дж.Палигрэв, Х.Голиер, О.Г.Герасимов каби олимлар ва саёсатчилар томонидан ўрганилган бўлиб⁴⁶², уларнинг барчаси арабларнинг кийими энг аввало табиий-географик муҳит ва кундалик ҳаёт талабларига мувофоқ шаклланишини қайд этадилар.

Айни пайтда Жейновда 20000 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг тўртдан уч қисмини араблар ташкил этади. Қолган қисми эса туркман, тожик,

⁴⁶¹ Из письма тов. Глинка // "Хорезмская правда", 1976, 13 ноябрь, № 225.

⁴⁶² . Мец, А Мусульманский ренессанс. –М. Наука. 1966. С.- 355-357; Лэйн Э.У. Нравы и обычаи египтян в первой половине XIX века. – М.: Восточ. Литра, 1982. С. 200-208; Ланда Р.Г. Средиземноморье глазами востоковеда.- М.: Наука, 1979.- С 38-41; Пальгрэв Дж. Путешествие по Средней иВосточной Аравии. С. Петербург. 1975. С- 370-374; Герасимов О.Г. На ближневосточных и перекрестках. – М.: Восточ. Лит-ра. 1979, - С-12.

Ўзбеклардан иборат. Бу ерлик аҳолининг урф-одатларига, миллий либосларига, тақинчоқлари, тили ва ўзига хос “кичик бир маданияти”га қизиқиб, Италия, Россия, Греция каби ўлкалардан сайёҳлар келиб туришади.

Воҳанинг жануби-ғарбида Қарши шаҳридан 50 чақирим олисда Жейнов деб аталган шаҳарча бор. Бу ернинг аксарият аҳолиси араблар бўлиб воҳасида жойлашган арабларнинг анъанавий кийимларига бағишланган тадқиқотида Жейнов араблари этник уруг, воҳада жойлаши жараёни, турар жой, анъанавий кийимлари ўрганилмаган.

Бошқа халқ кийимлари сингари арабларнинг анъанавий кийимлари узоқ тарихий жараёнлар давомида, ижтимоий-иқтисодий, маданий, диний, ривожланиш ҳамда урф-одат, маросим, анъаналар таъсирида даврлар ўтиши давомида ўзига хос локал хусусиятида шаклланиб, ривожланиб келган. Араб халқининг турмуш-тарзи ўзига миллий рух XX асрга келиб янгича анъанавий ўзига хос локал миллий ўзликнинг англашда хизмат қилади.

XX-асрнинг бошларидан бошлаб янгича дизайндаги Европача кийим-кечаклар кириб келиши жараёни кенг тарқала бошлади. Бу эса қадимдан давом этиб келаётган анъанавий кийимларга ўзи таъсирни кўрсатган. Лекин араб халқининг кийим кечакларини баъзи бир анъанавий жиҳатларини сақланиб қолган. Қашқадарё вилоятининг Жейнов ҳудудида қадамий арабларга хос бўлган миллий кийим безак, қадимий маданияти, ҳозирги кунда ҳам қисман бўлсада сақланиб қолган.

Умуман олганда, XX асрда араб миллий кийимларининг трансформацияга учрашига асосан қуйидаги муҳим омиллар сабаб бўлган деб кўрсатиш мумкин:

а) Минтақада яшаб келаётган араблар улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва мафкуравий сиёсат; б) замонавий технологияларнинг кириб келиши арабларнинг анъанавий миллий кийимини йўқолишига олиб келган; в) дунё халқлари тарихий-этнографик минтақалар орасида ўрнатилган савдо муносабатлари;

Кийимларни тикиш жараёнида араб халқининг анъанавий кийимидаги безаклар ўзбек ва араб миллий маданиятининг уйғунлашиб кетганлигини кўриш мумкин. Иқлим шароити, хўжалик машғулоти, ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқ бўлган. Деҳқончилик билан шугулланган аҳолининг кийими асосан пахтадан тўқилган матолардан тикилган бўлса, қадимдан чорвачилик билан шугулланувчи аҳоли бўлганлиги учун ҳам кўпинча жундан тайёрланган матодан кийимлар тикишган. Шу жумладан, минтақада яшовчи араблари ҳам кийим ва мато таёрлашда кўпроқ чорва молларнинг жун ва улардан олинадиган миллий маҳсулот асосида кийимлар таёрлашаган.

Марказий Осиёги арабларнинг алача-қўйлак тўқилган пахта материалларига рангли йўл асосида кўп окранг табият рангда бўлган. Алача қўйлак иштон, яхтак бозигар, рўмол, жилак, эркаклар чачвон, аёллар чачвон жилак кийганлар.

Жейнов араблар Косон Пўлати Пархўзада яшаб келаётган араблардан бир мунча фарқ қилади. Бу ҳудудда яшаб келаётган арабларнинг кўпчилиги ўзига хос араб урф-одати тил ва араб миллий кийимларида фарқ қилади. Бу каби анъанавий арабларга хос маданияти ёш авлод орасида йўқолиб ёш кекса авлодда сақланиб қолган. Чунончи, Жейнов арабларининг ажралиб турадиган жиҳатларидан бир арабча дойро билан чашма мусика рақс ва ўзига хос локал миллий кийимнинг сақланиб қолганлигидир. Умуман олганда, аёллар ўзига ярашиб турган ёпинчиқ миллий анъанавий кийим бугунги кунда ҳам сақланиб қолиш катта аҳамият берилмоқда. Лекин зардўз кийим қилиш ёпиқчоқ ташқи гўзалликни сақлашган. Исломий анъаналаридан бир аёл киши ёпинчоқ умуман оватни сақлаш керак бўлган. Жейнов араблар миллий кийимлар маълум даражада тўй ёки маросимларида кийилади.

Олдинлари миллий кийимчиликда анъанавийлик сақланиб, булар чекман қиш учун ёзда эса чопон бўлган. Аёллар кийимларида эса иштон бошга рўмол жилак,

1960 йиллардан бошлаб эса ёқали кўйлак кириб кела бошлади. Нўгай этик терисидан қилинган чориҳ молнинг терисига ишлов бериш орқали, текилган эркак ва аёлларнинг кийимидаги миллийлик сақланиб қолган. Курта ёқаси битта бўлган пахта солинган эркак кийими бўлиб, уни 40-ёшларда кийган. Жийлак кийими эса жундан тўқилган. Чакмонни мол терисини ошлаш натижасида тикишган. Жундан-кванок тикилган кўпроқ чорвачиллик билан шугулланиган аҳоли кийишган. Шу сабабдан ҳам унга нисбатан “чўпон уй”лар деб юритишган.

XX асрининг 50 йилларга қадар ёшларнинг миллий кийими латта иштон йўл куйлак биржадан тикилган кийим оммавий равишда кийим сифатда фойдаланишган. Жейновдаги араб мотам маросимида аёллар ўзига хос кўк рангдаги кийим мотам либос ҳисобланган эркаклар эса чопон белни боғлаб юришган экан.⁴⁶³ Ҳозирга келиб араб ўз тил ва миллий кийим ўнатиб бормоқда ўзбеклашиш жараёни жуда ҳам тез сурат билан ошиб бормоқда. Арабларнинг ўзига хос миллий кийим бухнак, хатабак, гиззи, габо, натти каби кўйлак кийим сақланиб, баъзи холларда тўй маросими эскича арабча тўй қилиб келин ўша гиззи бўгнак кийимлари кийиб арабона тўй ҳам бўлиб ўтади. Шу жумладан, бизда янгича матонинг кириб келиш ҳам жадаллашмоқда. Фота кириб келиш анъанавий тусга айланмоқда. Эркак, аёл, болалар кийим-кечакдаги миллий кийим аёлнинг турмушга чиқмагани “қизил гиз” турмушга чиққандан сўнг эса “оқ гиззи” кийим анъанавий араб миллий либослари сақланиб қолган. Эркак яқтак маҳаллий махси салла каби кийим кейганлар.

Жейнов арабларнинг ўзига хос яъна бир миллий жиҳати мотам маросимда махсус кийим қилиб кейган бу эса азадорликнинг белгиси оқ ва кўк рангда бўлади. 60 ёшдан кичик бўлса, 2 йил ҳам мотамнинг белги ҳисобланган кийимни ечишмаган. Бу рамзий кийимни кийган киши тўйга маросимига боришмаган.⁴⁶⁴ Арабларнинг миллий кийим бугнак натти танга тақилган кумуш тангаси, ҳамда гиззи тилло бор бўлган. Арабларнинг ўзига хос миллий кийим яқта, салла, калпуш, куйлак, иштон, нока иштон ковуш чопон куёв беқасам кейинчалик эса 2 хил бўлган бир хилига бу кийим умуман совуқ ўтказмаган шу билан бирга олача ҳам 1951 йиллар фасан куйлак тикилла бошлади. Ҳозирга келиб эса арабларнинг тўйлардан 10 тасидан биттаси қадимий анъанавий маросими асосида ўтказилмоқда. 1980 йиллар сўнг фота кириб келиди. Биринчи Жейнов қишлоғи араб бўлиб Аҳмад ака ўзининг ўглини тўй маросимда келинга шу фота кийимни кийдирган экан.

Жейнов аёлларининг "гиззи", "натти", "бухнак" деб номланувчи тақинчоқ ва либослари мавжуд. Гиззи – бу бош кийим бўлиб, турмушга чиқмаган қизлар қизил рангисини, турмушга чиққанлари эса оқ рангисини кийиб юришади. Натти – бурун тақинчоғи, у тилладан ишланади. Бухнак эса 25 та кумуш танга ва 2 та тилла кўгирчоқча билан безатилган бошга тақилувчи либос туридир.

Араб миллий кийимлар гиз қудба қабанинг устига ёплишни адабий тилда эса қасва деб номланади. Ман шу нарсаларнинг бундан 30 йиллар олдин бор эди. Бу фақат Яманларда бор чет натти арабларда бўлган тожик, хиндлар ҳам бор чет наттиси бизнинг наттилармиз Яман давлатда наттиларига ўхшаш боғлиқ жиҳати кучли гиззи натти, чет натти, салла ҳам араблардан кириб келиб ҳолат яқтак фота XX асрининг 80 йил сўнг кириб келган заксга бизлар ижобий жиҳатдан қуллаб қувватлаймиз никоҳ билан оилада мустаҳам бўлади.⁴⁶⁵ 1930-йил олача, 1950 йиллар чит, 1970 йиллар жун мотолар кириб кела бошлади. 1930 кўйлак яқтак чопон 1950 йиллар палто пиллаш 1970 йил оммовийлашди. 1945 йиллар кастюм буруқлар кириб келди.

⁴⁶³ Дала ёзувлари Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи Қўшмуродов Раҳмонқул 05. 07. 2011. йил.

⁴⁶⁴ Дала ёзувлари Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи Абдурашидова Зулфия 05. 07. 2011. йил.

⁴⁶⁵ Дала ёзувлари Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи Ниёзов Файзулла 08. 07. 2011. йил.

Кийим кечак момо, ёш болаларнинг кийимида маълум даражада саланиб қолган. Миллий кийим йилларга келиб 10-15 фоиз аёлларнинг кийими сақланиб қолган. Янгича маданият кириб келиш жараёни 80-85 йилларда аёл кийим бошида туб ўзгаришларга олиб келди. Бу кийим кўп қисми шаҳардан кириб келмоқда. Ота боболарнинг кийим - кечаклар барчаси оқ рангли матодан тикилган. Кейинги даврга келиб эса туб ўзгариш жараёни тезлашиши кийимларнинг ёқаси ётиқ кўйлакнинг, кейинги даврда эса ривожланиши натижасида, камзул жийда жилак салла ковуш махси бўлган. Бу каби замонвийлаши араб халқнинг этник ўзликни англашида ўзига хос локал миллий хусусиятни ташкил қилиб келмоқда.

Глобализация жараёнида миллий кийим ҳам бир оз ўзгариш таъсири бўлган. Улар қадимий кийим фарқланибгина қолмай балки, оммолашиб кетмоқда. Миллий анъанавий кийимларнинг ўзгариши иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларига ўз таъсирни кўрсатмоқда. Умуман олганда, аҳолиси анъанавий миллий кийимларининг эволюцияси ва трансформациясини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, тадқиқот даврида эркакларнинг кийим-бошлари аёлларникига қараганда кўпроқ ўзгаришларга учраган бўлсада, лекин айнан воҳа эркак кийимларида Республикамизнинг бошқа ҳудудларга қараганда миллийлик устун аҳамият касб этган.

Косон туманида яшаб келаётган арабларининг ўзига хос локал миллий кийим XX асрнинг 60-йиллардан сўнг даврдан ҳозиргача сақланиб қолган. Косон туманидаги Арабхона маҳалласидаги Тошмуроднинг онаси арабга хос миллий кийим сақланиб қолган. Бизда арабларда қулоқ ва бурун тешилиши Иброҳим пайгамбар давридан қолдирилган. Удум у киши хотини Бибихожарнинг чўриси Бибинисорани қулоқ ва бурунни тишган ҳолда Иборҳим Пайгамбарнинг олдига олиб кирган. Бу қулоқ ва буруннинг тешганлиги Бибисора чиройни янада ошириб юборишган аслида. Бурун ва қулоқ тешилиш кундошни Иброҳим Пайгамбарга ёмон кўрсатиш мақсад қилган бўлади. Шу даврдан бошлаб араблар миллий анъанавий кийимга айланиб улгурган. Ҳозирга келиб эса фақат Қашқадарё вилоятининг қўйи қисмида яшаб келаётган Жейнов арабнинг ёш кекса аёлларида сақланиб қолган. Шу билан бирга Бухоро вилояти Ғиздувон туманида арабларида ҳам сақалиниб қолган.

XX асрнинг давомида араб миллий кийимларидаги ўзгариш жараёни кекса авлодга мансуб араблар миллий кийимида ўзига хослик намуналарини сақлаб қолган. Аммо ёш авлодларда араб миллий маданияти уйғунлашган миллий кийим йўқолиб бормоқда.

SHAYX NAJMIDDIN KUBRO RUBOIYALARIDA ISHQ TALQINI

Jabborov I.J. – “Ma'mun-universiteti” NTM,
“Tarix va psixologiya” kafedrası o'qituvchisi

Xorazm zamini azal-azaldan ulug' insonlar, avliyolar, olimu-ulamolar va faylasuflar yurtidir. Xiva shahrida tug'ilib, voyaga yetgan, dong'i yetti iqlimga ketgan Shayx Najmiddin Kubro (1145-1221) XII-XIII asrlarda tasavvuf falsafasiga o'zining ulkan xissasini qo'shgan, kubroviya tariqatiga asos solgan allomadir. Asl ismlari Ahmad ibn Muhammad bo'lib, yoshligidan ilmga juda chanqoq bo'lgan va zamonasining juda ko'plab ulamolaridan ilm olgan. U zot hayotlari davomida ilm talab qilishdan to'xtamagan, xatto Xorazm diyorida zamondosh bo'lgan olimlarning barchasining ilmidan ko'ngli taskin topmagan. Ilmga bo'lgan chanqoqligi sababidan ko'pgina musulmon mamlakatlarida, jumladan Bog'dod, Basra, Misr, Nishopur, Diftiz, Isfahon singari ko'plab mamlakatlarda bo'lib ilm tahsil qilgan.

Manbalardan bizga ma'lumki, Najmiddin Kubro zamonasining qaysi olimu-ulamosi bilan baxs, munozaraga kirishsa, albatta g'olib bo'lgan ekan. Shu sababli u zotga “Attomatul-kubro” (buyuk balo), “ulug'larning ulug'i” nomi berilgan. Jumladan hazrat Alisher Navoiy

bobomiz «Nasoyimul-muhabbat» asarida bunday deb yozganlar: «*Alarg'a Kubro andin laqab bo'ldiki... har kim bilakim munozara va mobohasa qilsalar ermish – ul kishiga g'olib bo'lurlar ermish*»⁴⁶⁶.

Shayx hazratlarining ikkinchi ismlari «Shayxi Valitarosh», ya'ni valiylar tarbiyalab yetishtiruvchi shayx bo'lgan. Ushbu tariqatning yana bir nomi “Zahabiya” (oltin tariqat) deb nomlangan. Shayxning ta'biri bilan aytganda “Har qanday tuproqni kimyo qilamiz”⁴⁶⁷. Binobarin u kishidan ta'lim-tarbiya olgan shaxslar o'sha zamonning eng etuk olim, fozil va orif kishilari bo'lib yetishganlar. Jumladan, Shayx Majididdin Bag'dodiy, Shayx Sa'diddin Hamaviy, Bobo Kamol Jandiy, Fariduddin Attor, Shayx Roziddin Ali Lola, Shayx Sayfiddin Boxarziy, Shayx Najmiddin Roziy, Shayx Jamoliddin Geyli hamda Mavlono Bahouddin Valad va boshqalar ana shunday xalq e'zozidagi zotlar edilar.

Hazrat Najmiddin Kubro qalamlariga 30 ga yaqin fors tilida yozilgan ruboiylar to'plami mansub bo'lib, ushbu maqolada shulardan ayrimlarinigina falsafiy jihatdan izohlashga jazm qildik. Najmiddin Kubro yozgan ruboiylarni o'qir ekansiz, u zotning badiiy yo'l bilan ifoda etilgan falsafiy qarashlari bilan tanishasiz. Zero kubroviya ta'limotining asosini axloqiy poklik, ma'naviy yuksaklik tashkil qiladi. Ruhni yuksaltirish, botiniy poklik, nafsni tarbiyalash, imyon yo'lidani yurish hamda Haq ma'rifatini hosil qilish – ushbu tariqatning asosiy omillaridan biri ekanligi ma'lum bo'ladi.

Shayx hazratlari Alloh ishq bilan yongan kishi uchun ishqdan boshqa murod yo'qligini, ishq yuksalish yo'li ekanligini ta'kidlab, yozadilar:

*Ishq sharbatin ichgali xummor bo'ldim,
Hijronning oyoq ostida ko'p xor bo'ldim.
Tutdi qo'limdan ul, ulug'vor bo'ldim,
Xullasi yo'q edim, mana, bor bo'ldim*⁴⁶⁸.

Barcha tasavvuf tariqatlari zamirida Alloh ishq bilan yonishga da'vat yotadi. Xudoga yetishish – ulug'likka qovushish demakdir. Shayx hazratlari Yaratuvchi ishq yo'lidagi dardni, ishq dardini insonni inson qiluvchi asosiy omillardan biri hisoblaydi. Biroq ishq yo'li oson, tekis va silliq emas. Uning mashaqqatlari, xijronlari, uqubatlari bisyordir. Bu yo'lga kirgan inson pokizalik, go'zallik, ulug'vorlik dunyosiga erishmoq uchun qat'iyatli bo'lishi, “talab yo'lga tez etmoq” uchun boridan kechishi lozimligini uqtiradi.

*Sendan bu ko'ngil mosuvo bo'lg'aymu,
Hech o'zga bilan yo oshno bo'lg'aymu.
Do'stingda qolurmi o'zga hech bir do'st, ayt,
Yo o'zga ko'y unga hech ravo bo'lg'aymu*⁴⁶⁹.

Bu yo'l muhabbat ahlining yo'lidir va muhabbat zuhdning muqobilidir. U Haqqa bo'lgan jazbani ifodalaydi. Muhabbatning shiddatiyu-quvvati ortishi bilan ishq maydonga keladi. Bu yo'lga kirganlar juda qattiq sinov, imtihonlarga duch kelishgan. Shunday bo'lsada, Najmiddin Kubro Allohga qarata “Jamoling menga bas!” deya xitob qiladi. Ya'ni, men faqat Seni Jamolingni istayman, boshqa barchasi menga begona deya jar soladi. Shuning bilan birga, ishq dardi, xijron dardi insonni haqiqiy komillikka etishmog'i asosiy omili ekanligini ta'kidlagan holda:

*Ishq dardi g'arib tanimdagi jon bo'lg'ay,
Dard cheksa kishi axiyri inson bo'lg'ay*⁴⁷⁰, deb yozadi.

⁴⁶⁶ Shayx Najmiddin Kubro, Jamoling menga bas, Toshkent, «G'ofur G'ulom» 1994 y 5-b

⁴⁶⁷ Najmiddin Komilov, Tasavvuf, Toshkent, «Movarounnahr» - «O'zbekiston», 2009y 37-b

⁴⁶⁸ Shayx Najmiddin Kubro, Jamoling menga bas, Toshkent, «G'ofur G'ulom» 1994 y

⁴⁶⁹ Shayx Najmiddin Kubro, Jamoling menga bas, Toshkent, «G'ofur G'ulom» 1994 y

⁴⁷⁰ Shayx Najmiddin Kubro, Jamoling menga bas, Toshkent, «G'ofur G'ulom» 1994 y 12-b

МУНДАРИЖА

Нуржанов А.А., Худайбергенов А.А. Кириш сўзи.....	3
YANGI O'ZBEKISTONDA XUSUSIY OLIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI.....	5
Худайбергенов А.А. Хусусий oliy ta'limni rivojlantirishning dolzarb masalalari.....	5
Маткаримов Д.М., Аллакулиев Т.Б. Янги Ўзбекистонда хусусий oliy ta'limni rivojlantirishning ustuvor iynalishlari.....	7
Худайназаров Н.Ш. Uchinchi renessans va intellektual faol yoshlarni tarbiyalash va ilmiy tafakkurni shakllantirish.....	9
Хаджиев У.Ш. Янги Ўзбекистонда маънавий ахлокий императивларнинг мазмун-моҳияти ва таҳлили.....	11
Ходжаев С.Б. Научная интерпретация инновации и ее эволюции.....	15
Юсупова М.У., Адамбаева Ф.Р. Приоритеты развития частных вузов в Узбекистане.....	17
Худойберганов С.М. “Ma'mun-universiteti” nodavlat ta'lim muassasasi misolida xususiy oliy ta'limning afzalliklari.....	20
Салаев Д. Янгиланаётган Ўзбекистонда ижтимоий инновациялар ривожига жамият тараққиётининг муҳим омили.....	24
Қазақова Р.С. Yangi O'zbekistonda bo'lajak o'qituvchining o'z-o'zini axloqiy tarbiyalash xususiyatlari.....	26
Ғулломов А.Б. Янги Ўзбекистон таълимида тарихий-маданий ёдгорликларнинг маънавий меросини ёш авлодга етказишдаги асосий омиллар.....	29
Абдухалпарова Д.М. Ўзбекистонда oliy ta'lim muassasalarida va ularning moлиявий таъминотини ошириш йўллари.....	31
То'uchiyeva N.G'. Oliy ta'lim muassasalarida innovatsion faoliyatni boshqarishni takomillashtirishning ahamiyati.....	34
Abdikarimov I.I., Yusupova M.T. Yangi O'zbekistonda xususiy oliy ta'limni rivojlantirish istiqbollari.....	36
Otajonova G.M., Sadullayeva S.H. Yangi O'zbekistonda xususiy oliy ta'limni rivojlantirish masalalari.....	38
Hamroyeva N. O'zbekiston respublikasida davlat va nodavlat ta'lim muassasalarida ta'lim faoliyati.....	41
RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI VA DOLZARB MUAMMOLARI.....	43
Рузметов Б., Авезов М. Объективные предпосылки и потенциальные источники для устойчивого промышленного роста в Хорезмской области.....	43
Воронцова Ю.В., Баранова С.В., Хусайнов Д.Б. Анализ процессов киборгизации и виртуализации через аудиовизуальные произведения и трансмедиа.....	47
Худайберганов Д.Т. Tovarlar va xizmatlar bozori samaradorligi ko'rsatkichlarini dea usuli orqali baholash imkoniyatlari.....	49

Matkarimov D.M., Marksov A.X. O'zbekiston raqamli iqtisodiyotida moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarini qo'llash masalalari	51
Садуллаев А., Закирова Г., Ваисов Д. Raqamli moлиявий платформалар - кичик фирмалар рақобатбардошлигини оширувчи омил сифатида.....	54
Садуллаев А., Ваисов Д., Юсупов Ж. Raqamlashgan soliq tizimi – кичик фирмалар рақобатбардошлигини таъминловчи омил сифатида	56
Sherov A.B., Sadullayeva S.H. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda masofaviy bank xizmatlarining roli	59
Бахтияров Ш. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш стратегиясини устувор йўналишлари.....	61
Юлдашева У.А. Тенденции развития международных финансов.....	64
Кулибоев А.Ш. Ғазначилик ахборот тизимини яратишдаги зарурий чора-тадбирлар ва уларнинг аҳамияти	68
Yuldasheva U.A. Hududning soliq salohiyatini hisoblashning uslubiy jihatlari	70
Шеров А.Б. Олий таълим муассасаларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига молиялаштириш	71
Matkuliyeva S.I. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari bo'yicha hisob siyosati	74
Atabayeva K.P. Kredit-modul tizimida talabning mustaqil ishini tashkil etish	78
Mo'minov S.Yu., Yusupova M.T. On the global existence of solutions to fuzzy differential equations.....	81
Aliyeva G.I. Inson resurslarini boshqarishda innovatsiyalar va raqamli texnologiyalardan foydalanish yo'nalishlari	83
Sattarova M. Mintaqada investitsion muhitni rivojlantirishning o'ziga xos jihatlari.....	85
Sattarova D.D. The introduction and establishment of Islamic finance in Banking system of Uzbekistan.....	88
Xodjaniyazov Sh.Yu., Urazbayev A.J. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanish istiqbollari .	91
Xodjaniyazov Sh.Yu. YaIM va inflyatsiya darajasi o'rtasidagi bog'liqlikning ekonometrik tahlili.....	93
Sattarova M. Hozirgi erkin iqtisodiy zonasini tashkil qilinishi investitsion muhitni rivojlantirishning innovatsion yechimi sifatida.....	95
Якубова Ю.Р. Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш йўллари.....	97
Абдувоситова Г., Назруллаева С. Современные тенденции развития цифровой экономики и её текущие проблемы	100
Абдувоситова Г., Эргашев Ш. Обеспечение безопасности в банковско-финансовой системе и дальнейшее совершенствование защиты информации.....	102
Мирзаева Л.Ш. Меҳмонхона бошқарув сифатини ошириш омиллари.....	103
Панжиева Н. Факторы влияния на инновационную среду региона	105
Abdikarimov I.I., Iskandarov B.Q., Egamov S.M. Raqamli iqtisodiyotda fanlar o'rtasidagi o'zaro bog'liqlikda regression-korrelyatsion tahlildan foydalanish.	109
Sherjonov Sh.A. Aholini ijtimoiy himoyalash chora-tadbirlarni davlat byudjetidan moliyalashtirish mehanizmini takomillashtirish	111

Egamov S., Abdikarimov I., Iskandarov B. Isomorphisms of noncommutative log-algebras.....	114
Zakirova G.Q., Masharipova X.M. Ijtimoiy tarmoq marketingining ahamiyati.....	115
Жураев Х.А. Минтақада ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси.....	117
Салаев Ж.К. Саноатда кичик бизнес субъектларининг инфратузилмасини шакллантириш муаммолари.....	120
Бабажанов С. Очиқ ва ошкора фуқаролик жамиятини қуришда рақамли маҳалла тизимини жорий қилишнинг усул ва воситалари	123
Маткаримова И.А., Аллақулиев Т.Б. Методологические вопросы бухгалтерского учета и системы национальных счетов	125
Санъатбеков С.С. Тез овқатланиш корхоналари ишини ташкил қилишнинг айрим жиҳатлари ва хусусиятлари.....	127
Атаджанов К.А. Основные причины, недостатки и формы развития аутсорсинговых услуг	129
Бобожонов У.К. Аутсорсинг хизматлари: мазмун моҳияти, шакллари, турлари ва хусусиятлари.....	133
Уктамова А. Современные тенденции развития рынка медицинского туризма.....	137
AXBOROT XAVFSIZLIKNI TA'MINLASHNING ZAMONAVIY MUAMMOLARI VA YECHIMLARI	141
Tashmetov T.X. Axborot kommunikatsion texnologiyalar asosida yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish davr talabi	141
Хажиева И.А. Техника олий таълим муассасаси талабаларига маънавий кадриятларни ахборот технологиялари воситасида тушунтириш	144
Халмаматова Л.А., Жалолиддинов С.Н. Проблема внедрения цифровых технологий в образовательный процесс высшей школы	146
Джуракулов Ш., Исаханова М. Замонавий информацион тенденцияларнинг бозор муносабатлари ривожига таъсири	149
Юсупова Ш.Б., Нариманов Б., Гулиммова З. Использование беспроводных технологий	151
Юсупова Ш.Б., Кадамов А., Бекчанов Ф. Технологии разработки бот-приложения.....	154
Бекчанов Ф.А., Erkinboyev E.I. Ta'lim tizimini avtomatlashtirish va uning ta'lim sifatiga ta'siri.....	155
Abdiyeva F. Farmasevtika sanoatida raqamlashtirishning rolini oshirish.	157
Madirimova S.M. Oziq-ovqat taminoti zanjirida blokcheyn texnologiyasining ahamiyati	160
Madirimova S.M. Turli sohalarda blokcheyn texnologiyasining qo'llanilishi.....	162
Найтбайева D.Q., Pirov O.X. Online do'konlarning rivojlantirishning zamonaviy texnologiyalari.....	164
Xusainov Sh.M., Rajabov J.L. Universitet talabalarining statistik ma'lumotlar bazasini yaratish	166

Xusainov Sh.M., Annazarova B.R. Axborotlarni hill metodi orqali shifrlash va deshifrlash algoritmi	170
Маткаримова И.А., Болтаева М. Тадбиркорлик фаолиятида замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар ва уларнинг имкониятлари.....	173
Alloyorov O.M., Saidov A.B. Sport klubi mobil ilovasi yordamida mijozlar salomatligi monitoringi	177
Madirimova S.M., Ollazarova Z.H. Axborotlarni himoyalashda kriptografik algoritmlarning ahamiyati. elektron raqamli imzoni shakllantirish.	179
Otajonova G.M. IOT shlyuzini ishlash tizimi va esp8266 mikrokontroller asosida shlyuz yaratish.	182
Annazarova B.R., Xusainov Sh.M. Boltayeva M.K. Ta'limda sun'iy intellektdan foydalanish	185
O'ralov J.B. Axborot xavfsizlikni ta'minlashning zamonaviy muammolari va yechimlari. vektor kvantizatsiya algoritmi va voronov diagrammasi	186
Абдикаримова Г.К. Веб-илловаларининг ахборот хавфсизлиги – замонавий ечимлар.....	188
Saurova K.E. Yuz tasviri bo'yicha identifikatsiyalash va autentifikatsiyalashning sun'iy intellektga asoslangan usullari	191
Рузимбаева Ш.Ш., Ражаббоева С.Б. Стего-чейн: платформа для майнинга закодированного стего-блока в децентрализованной сети	193
FILOLOGIK TADQIQOTLARNING DOLZARB MUAMMOLARI.....	197
Xudaybergenov Sh.E., Hakimova X.R. Rus tilidagi metaforik iboralarning o'ziga xos xususiyatlari (rus maqollari, matallari, topishmoqlari asosida)	197
Xudaybergenov Sh.E., Hakimova X.R. M.I. Sheverdin asarlarida glosslash usullari masalasi (m.i. sheverdinning "Tubsizlikni kesib o'ting" romani asosida).....	200
Сафарова С.С. Особенности билингвизма.....	204
Ablayeva N.K. Rus guruhlarda o'zbek adabiyotini o'qitish muammolari	205
Khujaniyazova G.Y., Sapaeva F.N., Rajabova Z.R. Modular organization of education: technologies for forming foreign language competence on the competence base of future teachers.....	207
Omanboyeva D. Lev Nikolayevich Tolstoyning diniy qarashlari tadriji.....	209
Madrimova R. Bugungi kunda o'zbek maktablarida rus tili fanining o'qitilishi	211
O'ZBEKISTON TARIXI FANINING DOLZARB MUAMMOLARI	213
Аширов А. Ўзбек халқи мотам маросимларида архаик эътиқодлар излари	213
Шайдуrow В.Н., Худайберенов А.А. К вопросу об экономической модернизации центральной азии в начале XX в.	216
Goncharov Yu.M., Rahmanova Sh.K. Historical experience of interethnic and inerconfessional harmony on the example of siberia in the second half of the 19 th – early of the 20 th century	219
Маткаримов Х.О. Қадимги хоразм цивилизациясини шаклланишида бадий маданият ва ёзувнинг ўрни.....	221

Маткаримова С.М. Источниковедение темы традиционной культуры питания населения Хорезмского оазиса	224
Собиров Қ. Маъмун академияси ва тарихий давр	229
Рахманова Ю.М. Хоразм эътиқодий қарашларида аёл тимсоли	233
Абдалов У.М. Хоразмдаги эронийлар (форслар) тарихи	235
Садуллаев Б.П. Чапқиргоқ Кат-қалъа тарихида “Беш-қалъа” атамаси билан боглик маълумотлар	238
Tadjiyeva F.J. Erkayeva S.E. Xiva xonligi hududida aholi migratsiyalari masalasi	241
Raximov Sh.B. Qadimgi xorazmning ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlari, etnik jarayonlari hamda dafn marosimlari tahlili (arxeologik tadqiqotlar manbalari asosida).....	243
Kamolova N., Hasanova N. Xiva xonligida dehqonchilik bilan bog'liq marosim, e'tiqodlar	246
Матякубова М.М. Хива хонлигининг меъморий обидалари ва унга битилган тарих	248
Жуманиёзов Ф.Б. Хоразмда ҳаво транспорти соҳасининг вужудга келиши ва унинг воҳа иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни	250
Искандаров Ш.А. Марказий осиё арабларининг анъанавий ва замонавий кийим-кечаклар, ҳамда тақинчоқлар ҳақида айрим назарий қарашлар	252
Jabborov I.J. Shayx Najmiddin Kubro ruboiylarida ishq talqini	255
Бекчанов Д. Хоразм жадидлари фаолиятида адабиёт ва санъатни ривожлантириш масалалари	257
Ismoilov Sh.Z., O'rinova D.E. Ali ibn Ma'munning Xorazm, Farova, Buxoro va Nisoda zarb qilingan tangalari	260
Baxtiyarov S.I. Rizoqulixon hidoyatning “saforatnomayi xorazm” asarida xiva shahri to'g'risida ma'lumotlarning aks etishi	262
Бекчанов Д., Акрамжонов А. Миллий тараққиёт тушунчасининг ижтимоий-фалсафий мазмуни	264
Matniyozov S.S. Xiva xonligi tarixiy geografiyasi (xvi-xvii asrlar).....	267
Atajanova D.O. Xiva xonligi tarixida hunarmandchilikning tutgan o'rni	270
Matniyozov S.S., Komiljonova B.Sh. Xorazm marmar o'yimakorligi	273
Исмоилов Б. Ўзбекистоннинг тарихий-географик ҳудудларида тош асрида кечган миграцион жараёнлар, жойлашиш чегаралари, уларнинг картографияси масалалари	275
Abdullaev J.R. Xorazm voxasida radio va televideniye tarixi	277
Allaberganov O.A. Qadimgi Xorazm vohasi arxeologik yodgorliklarini rejalashtirish va kartografiya masalalarining o'rganilish tarixidan	280
Рўзиев Н.И. Қадимги туркларда тиббий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари.....	283
Atamuratova D.R. Yoshlarga oid davlat siyosatini rivojlantirishning tarixiy ahamiyati.	287
Ro'zmetova R. Kanselariya hujjatlarida xonlik va uning ma'muriy tuzilishi bo'yicha aks ettirilgan ma'lumotlar	290
Tadjiyeva N.J. Tarix darslarida videolardan foydalanishning o'rni	293

Raxmanova Sh.Q. Xiva va Buxoro xonliklari o'rtasidagi munosabatlar	295
Karimov U.D. Mahmud Qoshg'ariyning "devonu lug'at at-turk" asarida turkiy xalqlarning taomnomasi tavsifi	298
Raxmanova Sh., Zaripbayeva Sh. Xiva xonligining tashkil topishi bo'yicha mulohazalar	300
Рахманова М., Ўктамбаева М.С. Беруний Хиндистон хакида	302
Narzullayev A.A. O'rta osiyo xalqlari etnik tarixi	304
Iskandarova A. Xiva xonligi tarixini o'rganishda tarixiy manbalarning o'rni	307
Safarmatova F.A. Qadimgi Xorazm madaniyati va ma'naviyatining ilk namunalari	308
Rustamova M.U. Xiva xonligida zargarlik hunrmandchiligi tarixi	310
PSIXOLOGİYADA SHAXS MUAMMOSI: IJTIMOİY-PSIXOLOGİK YONDASHUV VA AMALIYOT	313
Акрамова Ф.А. Талаба шахсида ҳаётий стратегиялар намоён бўлишининг асосий психологик омиллари	313
Djumaniozova M.X. Ta'lim jarayonida o'quv faoliyatini motivlashtirishning psixologik xususiyatlari	315
Razakova R.S. Adaptatsiya potentsiali tushunchasining mikro va makro guruhlar sharoitida o'rganilishi	317
Xudoyberganova M.J., Bahodirova O.D. Oila ma'naviy muhitining milliy va umuminsoniy qadriyatlar bilan uyg'unligi	320
Разакова Р.С. Способности девушек к оптимальной адаптации в аспекте семейной жизни	322
Odamova O'.K., Ro'ziyeva Z.R. Yoshlarni to'g'ri kasb tanlashga yo'llashning o'ziga xosligi	324
Nurmatov N. Stress haqidagi umumiy nazariyalar	326
Xusanov S.M. Mehnat motivatsiyasi nazariyalari (porter va loular modeli misolida)	329
Jumaniyozova N.R. Autizm kasalligini psixologik jihatdan tadqiq etishning o'ziga xosligi	332
Kasimova X.A. Sub'ektiv farovonlik omillari va uni xorij psixologiyasida o'rganilishi	334
Sadikova U.B. Talabalardagi kasb hunar ta'limida hunarmandchilik tarixining pedagogik psixologik ahamiyati	335
Bekchanova K.R. Talabalarda ijtimoiy faollikni shakllantirishning psixologik xususiyatlari	338
Bekchanova Q. Pedagogik va psixologik testlashtirish mavzusini o'qitishda interfaol metodlardan foydalanish	340
Qurbonova Sh.B. Psixosomatikada "kasallikning ichki manzarasi" tushunchasining ifodalanishi	342
Avazyazova D.Sh., Abdullayeva N.T. Shaxsdagi agressiya muammosiga psixologik yondashuv	345
Adambayev U.X. Intuitsiya va sog'lom aql argumentlashning nonuniversal usuli sifatida	347
Avazyazova D.Sh. Talabalardagi stress holatlarini o'rganish dolzarb muammo sifatida	350

Adambayev U.X. Ishonch – e'tiqodni shakllantirishida avtoritetlarning ta'siri	352
Matchanova N.T. Shaxsning ijtimoiylashuv jarayoniga ijtimoiy muhitning ta'siri	354
Matchanova N.T., Mamataliyev D.B. Milliy o'yinlarimizning farzand tarbiyasiga ta'siri.....	358
Fozilova S.N. Kichik maktab yoshida ekologik ong shakllanishining ijtimoiy psixologik omillari	359
Razakov S.A. Ta'lim jarayonida sport mashg'ulotlarining pedagogik tahlili.....	361
Fozilova S.N., O'ktamboeva R. Ekologik ta'limni rivojlantirishning ahamiyati	363
Masharipova Sh.R. Yoshlarni to'g'ri kasb tanlashga yo'llashning o'ziga xosligi.....	364
Allaberganova G.A. Onkologik bemorlarda psixologik xizmat ko'rsatish	366
Allaberganova G.A, Qo'chqarova U.B. O'smirlardagi psixologik muammolarning bugungi kundagi sabablari va yechimlari.....	367
Xodjayev S. Talabalarda o'z-o'zini boshqarish jarayoni pedagogik psixologik muammo sifatida	370
Xasanov B.R. Sport faoliyati-shaxs qadriyatlar tizimini belgilab beruvchi omil sifatida.	373
Qozoqova I.I. Oilaviy hayot va undagi munosabatlarning psixologik jihatlari	375
Jumaniyazova O.S. Talabalarda pozitiv biografik tafakkurni rivojlantirishning psixologik mexanizmlari	378
Avezova B.X. Koping strategiyaning shakllanishi va rivojlanishi	381
Xudoyberganova M.J., Jumaniyazova M.A. Shaxs malakasining shakllanishida ongning o'rni	383
Xudoyberganova M.J. O'zaro hamkorlik – ta'lim sifatini oshiruvchi omil sifatida.....	387
Babajanov M.U. O'smirlar diqqatini rivojlantirish xususiyatlari	390
Bahodirova F.Z. Onkologik bemorlarning psixik holatini tashqi omillar va ijtimoiy jamiyatdagi shaxslar bilan bog'liqligi	393
Jumaboyeva M.X. Oliy ta'lim muassasasi pedagogi kasbiy shakllanishining o'ziga xos xususiyatlarini aniqlash orqali, ularda kasbiy zo'riqishni oldini olish.....	394
Xudayberganov A. Talabalarning ta'lim olishdagi motivatsiyasi	396
Хидойходжаева Х.Т., Цой М. Роль мотивационных факторов выбора профессии у подростков	398
O'ktamova Sh.O. Yoshlarni kasb tanlashga yo'naltirishda dunyoqarashning roli	401

Tezislar to'plami

**FAN, TA'LIM, INNOVATSIYALAR:
DOLZARB MUAMMOLAR VA ZAMONAVIY YO'NALISHLAR**

mavzusida Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

2023 yil 12 aprel

Muharrirlar:

Ruzmetov S

Komputerda sahifalovchi

F.Bekchanov

Nashr list. № 059763.

Bosishga ruxsat etildi 10.04.2023. Bichimi 60x841/8.

«Times New Roman» xarfida terildi. Shartli b.t. 25,3.

Adadi 50.

«Khwarezm travel» nashriyotida tayyorlandi.

220502, Urganch t. Zargarlar mahallasi Marvarid ko'chasi 8-yo'lak 4-uy.

«Khwarezm travel» bosmaxonasida chop etildi.

Urganch t. Zargarlar mahallasi Marvarid ko'chasi 8-yo'lak 4-uy.